

Юрт тараққиёти йўлида бирлашайлик!

Ishonch

2020 йил 13 октябрь • сешанба • № 115 (4400)

Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацииси нашри • Газета 1991 йил 21 мартаңдан чиқа бошлаган • www.ishonch.uz • e-mail: ishonch1991@yandex.uz

ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИ ТОЖИКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИНИ САЙЛОВДА ҚОЗОНГАН ҒАЛАБАСИ БИЛАН ТАБРИКЛАДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 12 октябрь куни Тожикистон Республикаси Президенти Эмомали Раҳмон билан телефон орқали мулоқот қилди.

Давлатимиз раҳбари Тожикистон етакчисини куни кечга бўлиб ўтган Президент сайловидаги ишончларни ғалабаси билан табриклиб, унга бирордада тажик халқи фаровонлиги ва равнаний йўлидаги фаолиятида катта муваффақиятлар тилади.

Суҳбат чоғида Ўзбекистон – То-

жикистон дўстлик, яхши қўшничилик ва стратегик шериклик муносабатларини янада мустаҳкамлашнинг долзарб масалалари кўриб чиқилди.

Давлат раҳбарлари ўртасида эришилган келишувларни ўз вақтида амалга ошириш, Ҳукумат-

лараро комиссия қарорларини ба- жариш ҳамда бўлажак олий дара- жадаги учрашувлар учун янги кун тартибини ишлаб чиқиш муҳимлиги алоҳида таъкидланди.

Минтақавий ҳамкорлик масалалари юзасидан ҳам фикр алмашилди.

Президентлар Қозогистон Республикаси, Тожикистон Республикаси, Туркманистон ва Ўзбекистон Республикаси давлат раҳбарлари-

нинг Қирғиз Республикасидаги вазият юзасидан кўшима баёниоти қа- бул қилинганини мамнуният билан қайд этдилар.

Мулоқот сўнгига мамлакатларимиз ўртасидаги узоқ муддатли ва кенг кўллами ҳамкорликни ривожлантириша иккала томоннинг ҳам интилиши катъий экани таъкидланди.

Суҳбат ҳар доимига самимий, очик ва дўстоно руҳда ўтди.

ўзА

Улуғлар тил ҳақида

Абдулла АВЛОНӢ

МИЛЛАТНИНГ РУҲИНИ КЎТАРГУЧИСАН

Эй, она тил, азиз қадрдоним, Илтифоти руҳим, Раҳмоним.

Түғдигим кундан айладинг улфат, Ўлгунча айшма, эй жоним.

Менга илм-у адаб сан ўргатдинг, Чин адаб, муаллим, шоним.

Миллатнинг руҳини кўтаргучисан, Эй, муқаддас карамли сultonим.



Шавкат Мирзиёев 12 октября куни интеллектуал мулк обекларини муҳофоза килиш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари юзасидан йифилиш ўтказди.

Олий Мажлис Конунчилик палатаси Спикери Н.Исмоилов башчилдига депутатлар Қашқадарё вилоятида ёшлар ва маҳаллӣ депутатлар билан учраши.

Бош вазир ўринбосари – инвестициялар ва ташки савдо вазири Сардор Умурзоков ҳамда АҚШ Халқаро тараққиёт молия корпорацияси. Бош ихроҳи директори Адам Болер ўртасида телефон орқали мулоқот бўлиб ўтди.



Мўйноқда янги вертолёт қўниш майдончиси қурилди.



Сўх туманида олти нафар кишига Ўзбекистон Республикасининг фуқаролик паспортлари тантанали топширилди.

Авазқон Каримов Жисмоний тарбия соорт вазирининг ўринбосари этиб тайинланди.

Бекзод Бобомуродов Навоий вилояти ҳокимининг саноатни ривожлантириш, капитал курилиш, коммуникациялар ва коммунал хўжалик масалалари бўйича ўринбосари лавозимига тайинланди.

Ботир Кудратхўжаев Хоразм вилоятига прокурор этиб тайинланди.

Ҳаёт Мирзоев Самарқанд вилояти қурилиш бош бошқармаси ўринбосари – вилоят бош архитектори этиб тайинланди.



Навоий вилоятининг Қизилтепа туманида давлат хизматлари маркази мишиш бошлади.

Самарқанд шаҳрида 500 ўринини яна бир даволаш ва тақсимлаш маркази тайёрланди.



Жиззах шаҳридаги «Ёшлар инновациялар маркази» пандемия даврида аҳоли соғлигини саклаш ва эҳтиёжманд фуқароларни кўллаб-куватлашса фаолият кўрсатсан бир ўргон фидойи ёшлигарга «Мехр-саҳоват» кўйрак нишонлари топширилди.

ЎзА хабарлари асосида тайёрланди

Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациисида кун-у тун фаолият кўрсатадиган

12-11 қисқа рақамли «Ишонч телефони», яъни «Call-center»га

мамлакатимизнинг турли ҳудудларида, олис ва ҷекка қишлоқларида яшаётган хотин-қизлар ўз муаммолари бўйича исталган вақтда мурожаат қилишлари мумкин.



Сирдарё вилояти

Касаба уюшмалари кўмаги

Шиҷоатга ундаған ташаббус



Янгиерлик Фотима Маликова тиббиёт ҳамшираси бўлиб ишлаб келаётган эди. Тўрмуш ўртоғининг сурукни касалликка чалиниб, меҳнат қобилиягини йўқотгани уни бирдан улғайтириди. Катта рўзгорда икки нафар ёши улуғлар, з нафар фарзанд бор. Топган-тутгани тиббий кўрик, дори-дармонга сарфланиб, қозон ҳам тузукроқ қайнамай қолди.

Ана шунда ўсмирили гида тикув курсида ўқигани, ўрганган ху-



наридан фойдаланиши фуррати етганини тушунди. Ўдаги кўл машинаси билан тикишини бошлаб юборишига жазм этиди. Лекин тикув учун дурустроқ шароит топа олмади. Колаверса,

алоҳида хона ажратилмагани учун мижоз келмаслигини ўйлаб, боши қотди. Бунинг устига бемори бор – «так-туқи» билан беҳол қилгиси келмади. Мана шундай паллада касаба уюшмалари ажратаетган кредит хисобига фаолиятини кенгайтираётган якка тартибдаги тадбиркор раҳбари Ойгул уни қўшичма иш билан тавминлади.

– Болалигимда бувимдан тикиш-бичиш хунарни ўргандим. Тикканган сайн кизиқишим ҳам ортаверди.

Шаҳар марказида кичик жойим бўлишини, ишими кенгайтиришни истадим, – деди Ойгул Мавлонова.

2 ▶



Сайфулла АҲМЕДОВ:

«ДАВРНИНГ ШАҲДИДАН ИЛҲОМ ОЛАМАН»

Йўл юрган йўловчи бир манзилга етагач, ортга қарайди. Бир босиб ўтган йўлини сарҳисоб қилса, бир борар манзилини кўзлайди. Инсон умри ҳам йўлга ўҳшайди. Ҳар бир довон ошилганда, шу ҳолат тақорланади. Қандай яшадим, нималарга эришдим, бошга тушган синовлар қандай енгиг ўтдим, деган саволларга жавоб излади.

Олтмиш ёш – ана шундай улуг довонлардан бири. Кимдир бу довонда ортга узоқроқ тикилиб қолади – ёш ўти деб ҳисоблайди. Кимдир эса ҳамон шаҳд-у шиҷоат билан янада юксак мэрраларни кўзлайди. Айни дамда айтиш мумкинки, бу довон дошишмандлик даври ҳамdir. Максадни улуг кўйиганлар ана шу дошишмандлик билан янги довонлар сари дадил одимлаб кетади.

Тошкент шаҳар касаба уюшмалари Федерациси раиси ўринбосари, «Дўстлик» ордени соҳиби Сайфулла Аҳмедов тимсолида биз бунга амин бўламиз.

2 ▶

мехнат муносабатлари юзасидан ўзингизни қизиқтирган барча масалалар юзасидан мурожаат ўйланингиз мумкин.

Юридик клиника 14 та ҳудудий бирлашмада ҳам фаолият кўрсатади. Бу ёрда касаба уюшмаси аъзоси бўлишидан қатъи назар, барча фуқароларга бепул юридик хизмат кўрсатади.

Мехнат муносабатлари, айниқса, мажбурий меҳнат билан боғлиқ масалалар Ўзбекистон касаба уюшмаси Федерациянинг доимий эътиборида!

Келгуси сонларда ўқинг...



САБАБСИЗ УШЛАБ ҚОЛИНГАН ПУЛ



АВТОҲАЛОКАТЛАР «ПАНДЕМИЯСИ»
муаммо сабаблари ва ёним тақлифлари



ОМОНАТГА ХИЁНАТ

Текст ошадига кирбосарларни саклаш ва эҳтиёжманд фуқароларни кўллаб-куватлашса фаолият кўрсатсан бир ўргон фидойи ёшлигарга «Мехр-саҳоват» кўйрак нишонлари топширилди.

